Ўрганилган ерэнғоқ навларида бир туп ўсимликдаги етилган ва етилмаган ёнғоқлар сони аниқланди. “Саломат” ва “Мумтоз” навларида назорат 1 ва 7-вариантларда ҳосил бўлган дуккаклар сони энг кам миқдорда бўлиб, бу навлар бўйича бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони 17 ва 20 дона ва шундан 12 ва 13 дона ёнғоқ етилган ва 5 ва 6 донаси етилмаганлиги, етилган ёнғоқларнинг миқдори 68,6 ва 67,8 ни ташкил этди.

Тажрибада минерал ўғит меъёрлари $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланган 3-4-вариантда бир туп ўсимликда “Саломат” навида ўртача 31 дона ёнғоқлар ҳосил бўлган, шундан 23 дона ёнғоқ (74,9%) етилган ва 8 донаси (25,1%) етилмаган. Назорат вариантыга нисбатан таққослаб кўрилганда минерал ўғитларни қўллаш ерэнғоқ навлари ҳосил кўрсаткичларига таъсири юқори бўлганлиги кузатилди. Жумладан: минерал ўғит меъёрлари $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланган 3-4-вариантларда назорат навида нисбатан “Саломат” ва “Мумтоз” навларида ўртача 14 ва 16 дона ёнғоқлар бир туп ўсимликда кўп миқдорда ҳосил бўлганлиги қайд этилган.

Энг юқори биометрик кўрсаткичлар “Микрозим-2” биостимулятори уруғни экишдан олдин, гуллаш ва дуккаклаш фазаларида қўлланган, шунингдек,

минерал ўғитлар билан $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда озиклантириш ишлари амалга оширилган 6-12-вариантларда қайд этилди.

“Саломат” ва “Мумтоз” навларида назорат 1-7-вариантларга нисбатан бир туп ўсимликдаги етилган ва етилмаган ёнғоқлар сони ўртача 15 ва 18 дона ёнғоқлар бир туп ўсимликда кўп миқдорда ҳосил бўлганлиги, шундан 14 ва 17 дона етилган ёнғоқлар ва 2-3 дона етилмаган ёнғоқлар ҳамда етилган ёнғоқларнинг миқдори 12,6% ва 11,8% юқори бўлганлиги қайд этилди.

Бир ўсимлик маҳсулдорлигини аниқлаш бўйича олинган маълумотларга кўра 1 ва 7-назорат вариантларида “Саломат” ва “Мумтоз” навларида 10,2 ва 9,56 граммни ташкил этди. Олиб борилган дала тажрибаларида ер ёнғоқ навларига “Микрозим-2” биостимулятори уруғни экишдан олдин, гуллаш ва дуккаклаш даврларида қўлланилган 4 ва 10-вариантларда бир ўсимлик маҳсулдорлиги биостимулятор ҳислибига назорат вариантларига нисбатан “Саломат” навида 1,49 гр ва “Мумтоз” навида 1,68 грамм юқори маҳсулдорлик қайд этилган.

Бир туп ўсимлик маҳсулдорлигига “Микрозим-2” биостимуляторига нисбатан минерал ўғитлар сезиларли даражада таъсир этиши кузатилди. Мисол учун 2-8-вариантларда тажриба маълумотлари ўртачасига кўра, минерал ўғитлар билан $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда озиклантириш ишлари амалга оширилганда бир туп ўсимликдаги етилган ёнғоқлар сони 1-назорат вариантыга нисбатан 6-вариантда 11 дона, жами ҳосил бўлган ёнғоқлар сони бўйича 15 дона ва етилган ёнғоқларнинг миқдори эса 6,3% юқори бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи тажрибада ўрганилган бу ер ёнғоқ навлари биологик хусусиятларига кўра юқори ҳосилли навлар сифатида таъриф этилсада, минерал ўғитлар билан озиклантирилмаганда ҳосил элементлари ва охир-оқибат ҳосилдорлик кўрсаткичлари кескин пасайиб кетиш ҳолати қайд этилди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ер ёнғоқ навларини парваришлаб, улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда минерал ўғитлар, шунингдек тажрибада тадқиқ этилган “Микрозим-2” биостимуляторини қўллаш юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

№	Бир ўсимликдаги ёнғоқлар сони, дона	Етилган ёнғоқ-	Бир туп ўсимлик	Бир ўсимлик	Мағзининг	1000 дона
---	-------------------------------------	----------------	-----------------	-------------	-----------	-----------

	етил-ган	етил-маган	жами	ларнинг микдори, %	маҳсулдорлиги, г	-даги ёнғоклар вазни, г	чиқиши, %	уруғ вазни, г
“Саломат” нави								
1	12	5	17	68,67	10,20	6,75	66,2	510,1
2	23	8	31	74,98	21,56	15,59	72,3	536,3
3	16	7	23	70,61	10,63	7,21	67,8	516,1
4	19	6	25	75,02	11,69	8,11	69,4	518,5
5	24	7	31	77,62	21,50	15,67	72,9	538,1
6	26	6	32	81,24	23,30	17,22	73,9	539,8
“Мумтоз” нави								
7	13	6	20	67,84	9,56	6,39	66,8	673,8
8	27	9	36	74,74	24,32	18,10	74,4	702,2
9	18	8	26	70,14	9,81	6,77	69,1	679,5
10	24	8	32	74,21	11,24	7,88	70,1	681,6
11	28	8	36	78,04	24,39	18,31	75,1	703,6
12	30	8	38	79,65	26,23	20,07	76,5	705,4


2-жадвал

Ерёнғок навларининг ҳосил элементларига “Микрозим-2” биостимуляторининг таъсири

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи тажрибада ўрганилган бу ерёнғок навлари биологик хусусиятларига кўра юқори ҳосилли навлар сифатида таъриф этилсада, минерал ўғитлар билан озиклантирилмаганда ҳосил элементлари ва охир-оқибат ҳосилдорлик кўрсаткичлари кескин пасайиб кетиш ҳолати қайд этилди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ерёнғок навларини

парваришлаб, улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда минерал ўғитлар, шунингдек тажрибада тадқиқ этилган “Микрозим-2” биостимуляторини қўллаш юқори самарадорликка эришиш имконини беради. Энг юқори бир туп ўсимлик маҳсулдорлик кўрсаткичи 6 ва 12-вариантларда бўлганлиги аниқланди. Бу вариантларда “Саломат” ва “Мумтоз” ерёнғок навларига “Микрозим-2” биостимуляторини уруғни экишдан олдин, гуллаш ва дуккаклаш фазаларида қўллаш ҳамда минерал ўғитлар билан $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда озиклантириш ишларининг амалга оширилганлиги оқибатида назорат 1 ва 7-вариантларга нисбатан “Саломат” навида 13,1 грамм ҳамда “Мумтоз” навида эса 16,67 грамм юқори миқдорда маҳсулдорликка эришилган.

Бир туп ўсимликдаги ёнғоклардан мағизнинг чиқиш даражасига “Микрозим-2” биостимуляторини соф ҳолда қўлланилган 3-4-9-10-вариантларга нисбатан минерал ўғитлар билан қўшиб биргаликда қўлланилган 5-6-11-12-вариантларда самарадорлиги юқори бўлганлиги аниқланди. Жумладан: 6 ва 12-вариантларда “Микрозим-2” биостимуля-торини уруғни экишдан олдин, гуллаш ва дуккаклаш фазаларида қўллаш ҳамда минерал ўғитлар билан $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда озиклантириш ишлари амалга оширилганда бир туп ўсимликдаги ҳосил бўлган ёнғоклардан мағизнинг чиқиши 1-назорат вариантыга нисбатан 6-вариантда “Саломат” навида 7,7%, ҳамда “Мумтоз” навида 7-назорат вариантыга нисбатан 12-вариантда 9,7% юқори бўлганлиги қайд этилди.



9-Расм. “Микрозим-2” биостимуляторининг ерёнғоқ навлари ҳосилдорлиги ва уруғдаги мой миқдорига таъсири

Тажрибада “Микрозим-2” биостимулятори таъсирида ерёнғоқ навларининг дуккак ҳосилдорлиги ва уруғдаги мой миқдори орасида юқори даражада ижобий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги ($r=0,675$) аниқланган (2-расм).

Тажрибада “Микрозим-2” биостимулятори ва ўғит меъёрларининг ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири кузатилди. “Саломат” ва “Мумтоз” навларида энг паст дуккак ҳосилдорлиги назорат вариантларда бўлганлиги кузатилиб, навлар бўйича 11,7 ва 11,2 ц/га ни ташкил этди.

“Микрозим-2” биостимулятори ерёнғоқ навлари уруғларини экишдан олдин қўлланилган 3 ва 9-вариантларда назорат 1 ва 7-вариантларга нисбатан дуккак ҳосилдорлиги “Саломат” навида йиллар бўйича 1,2-1,6-1,4 ц/га ва ўртача 1,4 ц/га ҳамда “Мумтоз” навида эса 1,0-1,3-1,1 ц/га ва ўртача 1,1 ц/га юқори ҳосилдорликни ташкил этди. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўсишни ростловчи “Микрозим-2” биостимулятори умуман қўлланилмаган, фақат минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари амалга оширилган 2 ва 8-вариантларда дуккак ҳосили назорат 1 ва 7-вариантларга таққослаб кўрилганда, сезиларли даражадаги фарқлар қайд қилинди. Мисол учун олайлик 2-вариантни, бу вариантда тадқиқ этилган “Саломат” навида минерал

Ўғитларни қўллаш ҳисобига йиллар кетма-кетлиги бўйича назорат 1-вариантга нисбатан 13,5-14,4-10,1 ц/га юқори ҳосилдорликка эришилган.

“Мумтоз” навида дуккак ҳосилдорлиги назорат 7-вариантда “Саломат” навига нисбатан пастроқ бўлганлиги кузатилди. Бундан кўриниб турибдики, “Мумтоз” нави сув, озика элементлари, тупроқ унумдорлигига талабчанлиги юқори бўлган нав. Буни исботи сифатида 8-вариантни олайлик, минерал ўғитларни йиллик меъёри $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га ни ташкил этганда, бу навнинг ҳосилдорлик потенциали кескин суръатларда ошганлиги қайд этилди.

Бу кузатувларда навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ холда ва шунингдек, ташқи омиллар таъсирида дуккак ҳосилдорлигида сезиларли фарқлар қайд этилди. Жумладан: 8-вариантда “Мумтоз” навидан олинган дуккак ҳосили йиллар бўйича 28,4-30,5-29,3 ц/га ни ташкил этди. Бу навда минерал ўғитлар билан озиклантириш ишларининг амалга оширилиши ҳисобига 7-назорат навига нисбатан 17,8-18,7-18,1 ц/га юқори ҳосил олинган.

“Микрозим-2” биостимуляторини уруғни экишдан олдин, гуллаш ва дуккаклаш даврларида қўллаш ерёнғоқ навлари ўсиб ривожланиш жараёнига ижобий таъсир этиши кузатилди. Назорат вариантыга нисбатан ўсимликларнинг ташқи морфологик белгиларидаги фарқлар ҳам сезиларли бўлди. Мисол учун ерёнғоқ навлари барглари олайлик, назорат вариантыда ерёнғоқ навлари барглари кичикроқ, оч яшил рангли, гуллаш-дуккаклаш даврларида баргларнинг кундуз кунлари ёпилиб олиши, яъни ўсимлик ўзида сув ва озика элементлари етишмаслиги кузатилганда транспирация коэффициентини шу усулда камайтириш ҳисобига яшовчанлигини сақлаб турганлиги фенологик кузатувларда қайд этилди.

3-жадвал

Ерёнгоқ навлари ҳосилдорлиги ва мой микдорига Микрозим-2 биостимуляторининг таъсири (2014-2016 йй)

№	Йиллар			3 йилда ўртача	Қўшимчалари		Уруғдаги мой микдори, %
	2014	2015	2016		ўғитдан	биостиму- лятордан	
“Саломат” нави							
1	11,2	12,3	11,5	11,7	-	-	46,9
2	24,7	26,7	25,6	25,7	14,0	-	49,1
3	12,4	13,9	12,9	13,1	-	1,4	47,4
4	13,5	15,4	14,2	14,4	-	2,7	47,8
5	25,8	28,1	26,6	26,8	13,8	1,4	49,5
6	27,9	30,9	29,1	29,3	14,9	2,7	50,2
“Мумтоз” нави							
7	10,6	11,8	11,2	11,2	-	-	45,1
8	28,4	30,5	29,3	29,4	18,2	-	46,8
9	11,6	13,1	12,3	12,3	-	1,1	45,8
10	13,0	15,1	14,0	14,0	-	2,8	46,1
11	29,4	31,7	30,2	30,4	18,1	1,1	47,6
12	31,8	34,8	33,1	33,2	19,2	2,8	48,4
2014 йил ЭКФ ₀₅ = 0,46 ц/га ЭКФ ₀₅ =3,68%							
2015 йил ЭКФ ₀₅ = 0,39 ц/га ЭКФ ₀₅ =3,30%							
2016 йил ЭКФ ₀₅ = 0,51 ц/га ЭКФ ₀₅ =3,72%							

Тажрибанинг 6-вариантида “Саломат” навидан олинган ҳосилдорлик илмий тадқиқот ишлари олиб борилган йиллар бўйича ўртача 27,9-30,9 ц/га ни ташкил этди.

Тажрибадаги энг юқори дуккак ҳосилдорлиги 12-вариантда “Мумтоз” навида йиллар кетма-кетлиги бўйича 31,8-34,8-33,1 ц/га ни ташкил этди. Навлар ўртасидаги кузатув натижалари шундан далолат берадики, “Саломат” нави ҳосилига (29,3 ц/га) нисбатан уч йилда ўртача “Мумтоз” навида 3,9 ц/га юқори ҳосил олинган.

Ерёнғоқнинг “Саломат” нави уруғидаги мой миқдори 1-назорат вариантда 46,9% ни ташкил этган бўлса, “Микрозим-2” биостимулятори уруғни экишдан олдин, гуллаш ва дуккаклаш фазаларида қўлланилган 4-вариантда 0,9% ва минерал ўғитлар $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда қўшиб қўлланилган 6-вариантда эса назоратга нисбатан 3,3% юқори бўлган.

“Мумтоз” навининг биологик хусусиятига боғлиқ ҳолда уруғидаги мой миқдори “Саломат” навига нисбатан бирмунча пастроқ бўлиши кузатилди. Жумладан, назорат 2-вариантда уруғдаги мой миқдори 45,1% ни ташкил этди. Таҷрибада “Микрозим-2” биостимуляторини соф ҳолда қўлланилганга нисбатан минерал ўғитлар билан қўшиб қўллаш самарадорлиги юқори бўлганлиги кузатилиб, бу навда уруғдаги мой миқдори 11 ва 12-вариантларда энг юқори миқдорда (47,6-48,4%) бўлганлиги қайд этилди.

Қисқача хулоса. Ерёнғоқнинг “Саломат” ва “Мумтоз” навларида “Микрозим-2” биостимуляторини уруғни экишдан олдин 30 л/т, гуллаш ва дуккаклаш даврларида 40 л/га меъёрда ишлов берилиб, минерал ўғитлар $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда озиклантирилганда 27,9-34,8 ц/га ҳосил етиштиришга эришилди ва ерёнғоқда биостимуляторларни қўллаш технологияси ишлаб чиқилди.

Адабиётлар:

1. Xudayqulov J.B., Atabaeva X.N. O‘simlikshunoslik. “Fan va texnologiya” nashriyoti, Toshkent- 2018 y. Darslik. 25.5 b.t. 407-b.
2. Khudaykulov J.B., Atabaeva Kh.N., Nurbekov A.I., Kassam A. Plant Science. “Fan ziyosi” nashriyoti, ISBN 978 9943 6594 9 0. Toshkent-2021 y. Darslik (Инглиз тилида). 25 b.t. 398-b.
3. Худайқулов Ж.Б., Атабаева Х.Н. Ерёнғоқ. Монография. “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси асосий кутубхонаси” босмахонасида чоп этилган. Босма табағи 8,75. 140 бет. ISBN 978-9943-565-68-5. Тошкент – 2019.
4. www.ziyonet.uz;

Matematika-tarixda, hozirda va kelajakda

Jo'rayev Doniyor Qandiyor o'g'li

Annotatsiya: Ushbu ilmiy maqolada matematika tarixi, matematikaning hozirgi davirda rivojlanishiga hissa qo'shgan olimlar hamda matematikaning kelajakdagi ahamiyati haqida yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: matematika tarixi, raqam, arifmetik amallar, fazo, diskret matematika. Matematika tarixi — matematika tarixining bir nechta tasniflari mavjud bo'lib, ulardan biriga ko'ra matematik bilimlarning rivojlanishi bir necha bosqichlarga bo'linadi:

Haqiqiy ob'ektlar va bir hil ob'ektlar to'plamining idealizatsiyasi sifatida geometrik shakl va raqam tushunchasini shakllantirish. Turli xil sonlarni, uzunliklarni, maydonlarni va hajmlarni solishtirish imkonini bergan sanash va o'lchashning paydo bo'lishi.

Arifmetik amallarning ixtirosi. Arifmetik amallarning xossalari, oddiy figuralar va jismlarning maydonlari va hajmlarini o'lchash usullari to'g'risidagi bilimlarni empirik (sinov va xatolik yo'li bilan) to'plash. Antik davrdagi shumer-bobil, xitoy va hind matematiklari bu yo'nalishda ancha oldinga siljishgan. Qadimgi Yunonistonda mavjud bo'lganlar asosida yangi matematik haqiqatlarni qanday olish mumkinligini ko'rsatadigan deduktiv matematik tizimning paydo bo'lishi. Qadimgi yunon matematikasining toj yutug'i Yevklidning elementlari bo'lib, u ikki ming yil davomida matematik qat'iylik standarti rolini o'ynagan.

Raqamlar jadvali

Yevropacha (g'arbiy arablardan kelib chiqqan)	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Arabcha-hindcha	٠	١	٢	٣	٤	٥	٦	٧	٨	٩
Sharqiy arabcha-hindcha (Fors va urdu)	٠	١	٢	٣	٤	٥	٦	٧	٨	٩
Devanagaricha (hind)	०	१	२	३	४	५	६	७	८	९
Xitoycha	〇	一	二	三	四	五	六	七	八	九
Tamilcha		௦	௧	௨	௩	௪	௫	௬	௭	௮

19-asr oxiri — 20-asr boshlari M. tarixida misli ko‘rilmagan yuksalish yillari bo‘ldi. 1893-yilda Chikagoda Amerika qit‘asi ochilishining 400 yilligi munosabati bilan keng xalqaro miqyosda M. kongressi o‘tkazildi. Kongressda dunyo matematiklari muntazam uchrashib, eng yangi natijalar haqida ma‘ruzalar qilib turishlari zarurati e‘tirof etildi. Dastlabki rasmiy xalqaro M. kongresslari 1897-yilda Syurixda va 1900-yilda Parijda o‘tkazildi. Syurix kongressida A. Puankarening g‘oyalari yetakchi mavzuni tashkil etgan bo‘lsa, Parij kongressida esa D. Hil-bert o‘zining mashhur 23 muammosini bayon etdi. Puankare g‘oyalari va Hil-bert konsepsiyasi M.ning 20-asr davomidagi taraqqiyotiga juda unumdor ta‘sir ko‘rsatdi.

Ammo M. asoslariga chuqurroq kirishilgani sayin muammolar ham o‘tkirlashib bordi — 20-asrning boshlari M. tarixidagi eng chuqur inqirozga to‘qnash keldi — M.ning asoslarida chuqur ziddiyatlar ochila boshladi (Burali — Forti, Rassel, Rishar, Grelling paradokslari). Ularni yengib o‘tish yo‘lidagi urinishlar natijasida to‘plamlar nazariyasining aksiomatik nazariyasi yaratildi (Sermelo, Frenkel, Bernays, J. Fon Neyman) va „M. binosi yaxlit mukammal loyiha asosiga qurilgani“ haqidagi Hilbert tasavvuri qayta tiklandi.

20-asrning 1-choragida M.da qat‘iy isbot g‘oyasi batamom shakllandi. Shu asosda N. Burbaki butun M.ning asosiy qismini yagona usul — natijalarni eng umumlashgan tarzda bayon qilish maqsadida „Matematika elementlari“ nomli ko‘p jildli monografiyani chop etishga kirishdi. Burbaki targ‘ib qilgan uslub M.ning ayrim (abstrakt) sohalari rivojiga katta turtki berdi. Bir kator davlatlarda (jumladan, sobiq Ittifokda) M.ni o‘qitish „burbakizm“ uslubida isloh qilina boshladi, lekin muvaffaqiyatsiz chiqqan bu tajriba M. ta‘limida hozirgacha yengib o‘tilmagan muammolarni keltirib chiqardi.



20-asr o‘rtalaridan M. ikki yo‘nalishda rivojlana bordi: bir tomondan, ilmiytexnik taraqqiyot ehtiyoji bilan differensial tenglamalar, matematik fizika, chekli M., ehtimollar nazariyasi, hisoblash M.si klassik sohalar kengayib, o‘ta tarmoqlashib ketdi, ikkinchi tomondan, M.ning ichkm rivojlanish qonunlaridan kelib chiqqan masalalar birinchi o‘rinda turuvchi, tatbiq doirasi juda tor, o‘ta abstrakt sohalar (umumiy algebra, differensial va algebraik geometriya, topologiya, funksional analiz kabi) sohalar xilma-xil yo‘nalishlarni vujudga keltirdi. Rivojlangan mamlakatlarda shakllangan yirik ilmiy maktablar tor sohalar bo‘yicha yo‘nalishlarga bo‘lina boshladi. 20-asrgacha M. aloxida olimlarning mashg‘ulot obyekti bo‘lib kelgan bo‘lsa, so‘nggi yuz yilda jamoaviy faoliyat tabiatini kasb eta boshladi. Ilmiy jur.lar, risolalar, ilmiy to‘plamlar, maqolalar soni geometrik progressiya bo‘yicha o‘sa boshladi. Bu esa, o‘z navbatida, M. taraqqiyotida yana bir muammo — turli yo‘nalishlar o‘rtasida aloqalarning susayishi, bayon uslubining

ogʻirlashib ketishi, isbotlarning toʻgʻriligini tekshirib koʻrishni hamda natijalarning toʻgʻriligi yo notoʻgʻriligiga ishonch hosil qilishni murakkablashtirdi, mavzularning gʻoyat maydalashib ketishiga olib keldi. Yaxlit „matematik“ kasbi „algebraist“, „geometr“, „topolog“, „ehtimolchi“ va „funktionalchi“ kabi oʻnlab ixtisoslarga, ularning har biri ham bir-birini deyarli tushunmaydigan yuzlab tor shoxobcha mutaxassislariga boʻlinib keta boshladi. Bu hodisani M. Klayn „M.ning yangi inqirozi“ deb baholadi.

Garchi bu tabiatan tashkiliy inqiroz hali toʻliq yengib oʻtilmagan boʻlsada, 20-asr nihoyasida M.da yangi koʻtarilish yuz berdi, xususan, Fermaning katta teoremasi isbotlandi (E. Uayls), M.ning bir-biridan yiroq sohalari oʻrtasida chuqur aloqalar ochila boshladi. M. sohasida taʼsis etilgan xalqaro Fields medaliga sazovor boʻlgan ishlarning koʻpchiligi M.ning bir-biridan mustaqil uch-toʻrt sohasiga oid tushuncha va usullar qoʻllanib olingan natijalar ekani „M. — yaxlit fan“ degan konsepsiyaga qaytadan jon bagʻishladi. AQSH lik matematik D. Knut tomonidan universal Tex matn muharriri ishlab chiqilishi va elektron aloqa vujudga kelishi 21-asrda M. rivojlanishi uchun yangi ufklarni ochib bermoqda. Bugun P. Dirakning quyidagi ramziy taʼrifi yana ham oʻrinliroq: „M. bu — istalgan tabiatli abstrakt tu-shunchalar bilan ishlash uchun maxsus moslashgan quroldir. Bu borada uning qudratiga cheku chegara yoʻq“.

Matematik asosiy tushunchalari

Transformatsiya




Matematik analiz

Vektor hisoblari


Differensial tenglamalar

Fazo




Geometriya

Trigonometriya



Differensial geometriya

Diskret matematika



Yechimlar nazariyasi

Kriptografiya

Graflar nazariyasi

Bugun yurtimizda chuqur tarixiy asosga ega va zamonaviy taraqqiyot uchun juda muhim fanlardan biri bo'lgan matematikaga ham katta e'tibor qaratilmoqda. Muhammad Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Abu Rayhon Beruniy, Mirzo Ulug'bek singari ulug' ajdodlarimiz tamal toshini qo'ygan bu fan so'nggi yillarda o'zining yangi rivojlanish bosqichiga kirdi, deb bemalol ayta olamiz.

Davlatimiz rahbarining 2017-yil 17-fevraldagi "Fanlar akademiyasi faoliyati, ilmiy-tadqiqot ishlarini tashkil etish, boshqarish va moliyalashtirishni yana-da takomillashtirish choratadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Milliy universiteti huzuridagi Matematika instituti Fanlar akademiyasi tarkibida qayta tashkil etildi.

Ayni paytda Prezidentimizning 2019-yil 9-iyuldagi "Matematika ta'limi va fanlarini yana-da rivojlantirishni davlat tomonidan qo'llabquvvatlash, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining V.I.Romanovskiy nomidagi Matematika instituti faoliyatini tubdan takomillashtirish choratadbirlari to'g'risida"gi hamda 2020-yil 7-maydagi "Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish choratadbirlari to'g'risida"gi qarorlari qabul qilindi. Ushbu qarorlar orqali matematika fani va ta'limini rivojlantirish, xalqaro standartlarga moslashtirish uchun mavjud muammolarni bartaraf etish tizimi yaratib berildi. Masalan, matematika bo'yicha xalqaro konferensiyalarda, talabalar o'rtasida o'tkaziladigan xalqaro olimpiadalarda, seminar treninglarda ishtirok etish imkoniyati yaratildi. Prezidentimiz tashabbusi bilan Matematika fani va ta'limini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi tashkil etildi. Jamg'arma mablag'lari hisobidan matematika sohasidagi olimlar va yosh tadqiqotchilarning xorijdagi xalqaro ilmiy amaliy tadbirlarda ishtiroki ta'minlanmoqda. Talabalarning matematika fani bo'yicha xalqaro olimpiadalardagi ishtiroki qo'llab-quvvatlanmoqda, matematika ta'limi uchun zarur ilmiy va hisoblash asbob uskunalari xarid qilish dasturlari amalga oshirilmoqda.

Matematika ta'lim yo'nalishlarida ta'lim olayotgan talabalar va tadqiqotchilar uchun akademik T.Sarimsoqov nomidagi stipendiya ta'sis etildi. O'zbekiston matematika jamiyatining xalqaro aloqalarini kengaytirish va Xalqaro matematiklar jamiyatiga to'laqonli a'zo bo'lishini ta'minlash choralari ko'rilmogda.

Yuqorida qayd etilgan hujjatlar orqali olimlarimiz uchun yana qator imkoniyatlar yaratildi. Jumladan, 2020-yilda Matematika ins titutiga ilmiy darajalar berishda mustaqillik berildi. Qoraqalpog‘iston Respublikasida, Buxoro, Namangan, Samarqand, Xorazm viloyatlarida institutning hududiy bo‘linmalari tashkil etildi. Hozirgi kunda bu bo‘linmalarda 22 fan doktori, 22 fan nomzodi va fizikamatematika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) faoliyat yuritmoqda. Bo‘linmalar viloyatlardagi universitetlar binolarida joylashgan bo‘lib, bu yoshlar va talabalar bilan ishlash va ularni matematika faniga qiziqtirish uchun juda qulaydir.

Oxirgi uch yil davomida olimlarimizning maoshi deyarli 3 barobar oshdi. Matematika instituti uchun yangi, zamonaviy, innovatsion bino qurildi. Bugun hamma narsamiz bor! Endi zavq bilan ishlab, natija ko‘rsatishimiz lozim.

Ta’kidlash kerakki, Matematika instituti o‘z faoliyati davomida mazkur fanni rivojlantirishga, yurtimiz uchun yuqori malakali kadrlar tayyorlashga sezilarli hissa qo‘shdi va matematik tadqiqotlarning jahon darajasida e’tirof etilgan markazlaridan biriga aylandi.

Hozir ham institut xodimlari qator yutuq va natijalarga erishmoqda. Institutda funksional analiz, differensial tenglamalar, ehtimollar nazariyasi va algebra bo‘yicha ilmiy maktablar shakllandi hamda muvaffaqiyatli rivojlanmoqda.

Institut tarixi yutuqlarga boy. Xodimlarning ilmiy tadqiqotlari besh marta O‘zbekiston davlat mukofotiga sazovor bo‘lgan. 12 nafar taniqli olim O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining haqiqiy a‘ziligiga, ikki nafari esa nufuzli Jahon fanlar akademiyasi (TWAS) a‘ziligiga saylangan.

Olimlarimizdan besh nafari TWASning yosh olimlar bo‘limi tanlovlarida g‘olib chiqqan. Olimlarimiz mehnatini chet ellik hamkasblar ham e’tirof etmoqda. Masalan, institutimiz xodimi U.Roziqovning maqolasiga xorijning nufuzli jurnali keltirgan taqrizda u “...one of the authors is a wellknown expert”, ya’ni “juda taniqli ekspert...”, deb e’tirof etilgan. Bunday e’tiroflar o‘zbek matematiklarining ko‘piga nisbatan qo‘llanilgan. Aytmoqchimanki, bugungi kunda o‘zbekistonlik matematiklarning ilmiy maktablari o‘z mavqeini xalqaro darajada saqlab kelmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Metodologiyasi: Puankare A., O, M., 1990;
2. Klayn M., Matematika, M., 1984;
3. Klayn M., Matematika. M., 1988;
4. M. tarixi, to‘plamlar, T. 2000;
5. Matematika tarixi (3 bo‘lim), M, 1970—72;

SPEECH ACT VERBS

Ziyaeva Dilnoza Anvarovna

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina

+998994556999

Exploring Speech Verbs: A Comparative Analysis of English and Uzbek Languages

Speech verbs play a pivotal role in both English and Uzbek languages, serving as essential tools for communication and expression. They enable speakers to convey dialogue, thoughts, emotions, and actions effectively. In this article, we will delve into the functions, roles, and usage of speech verbs in both languages, exploring their nuances and significance in various contexts, including the speech of different characters.

Functions and Roles of Speech Verbs:

In both English and Uzbek, speech verbs serve several functions:

- Attribution of Speech:** Speech verbs attribute dialogue to specific characters, indicating who is speaking. For example, in English, verbs like "say," "speak," and "shout" perform this function. Similarly, in Uzbek, verbs such as "aytsin," "deysin," and "qarang" fulfill the same role.
- Expressing Manner of Speech:** Speech verbs convey the manner in which speech is delivered, whether it's whispered, shouted, or muttered. These verbs add depth and emotion to dialogue. For instance, in English, "whisper," "yell," and "mutter" fulfill this function, while in Uzbek, "hiss et," "yig'la," and "qizqizla" serve a similar purpose.
- Conveying Emotion and Tone:** Speech verbs contribute to the portrayal of emotions and tones in dialogue. They help in communicating whether speech is angry, joyful, sarcastic, or hesitant. English verbs such as "plead," "mock," and "stammer" carry emotional connotations, just like their Uzbek counterparts, including "yomonlash," "qizg'inchli," and "og'zidan chiqarmoq."
- Reporting Speech:** Speech verbs are crucial in reported speech, where characters recount or narrate what someone else said. English verbs like "report," "claim," and "state" serve this purpose, while Uzbek equivalents like "aytdi," "so'zlab," and "haqiqat" fulfill a similar role.

Usage in Different Characters' Speech:

The usage of speech verbs varies depending on the characteristics, personalities, and contexts of different characters. Let's explore how different types of characters might employ speech verbs:

1. **Protagonist:** Protagonists often use a diverse range of speech verbs to articulate their thoughts, feelings, and intentions. They may employ assertive verbs like "declare" or "assert" to convey confidence or uncertainty, depending on the situation.
2. **Antagonist:** Antagonists may utilize speech verbs with manipulative or aggressive undertones to intimidate or deceive others. Verbs like "threaten," "manipulate," or "sneer" might characterize their speech, reflecting their antagonistic nature.
3. **Supporting Characters:** Supporting characters may use speech verbs that align with their role in the narrative. For instance, a mentor figure might employ comforting verbs like "assure" or "encourage," while a comedic sidekick could use humorous verbs like "quip" or "joke."
4. **Background Characters:** Background characters often employ simpler speech verbs to convey basic communication without overshadowing the main dialogue. Verbs like "ask" "reply" or "respond" are common in their speech.

Comparative Analysis:

While both English and Uzbek languages share similarities in the functions and usage of speech verbs, there are also distinct differences influenced by linguistic and cultural factors. English tends to have a broader array of speech verbs, allowing for finer nuances in expression, while Uzbek may rely more on contextual cues and intonation to convey meaning.

In conclusion, speech verbs play a vital role in both English and Uzbek languages, facilitating effective communication and expression in various contexts. Their usage not only attributes dialogue but also adds depth, emotion, and tone to characters' speech, enriching the narrative and enhancing the reader's or listener's experience. Understanding the nuances of speech verbs in different languages enables writers and speakers to craft compelling dialogue that resonates with audiences across cultures.

Classes of Speech Act Verbs

Different types of speech act verbs are categorized based on special resource situation types. These types stem from the role of the utterance and the attitudes of the speaker, which are essential components of the overall resource situation type. Speaker attitudes encompass the speaker's stance towards the proposition, intention, and presuppositions. The propositional attitude of the speaker may involve belief, desire, or evaluation of the proposition. The role of the utterance is delineated by properties of the propositional content, including the type of event, agent, and temporal reference.

For instance, the verb "order" lexicalizes the specification of a future action by the addressee. Various combinations of speaker attitudes and properties of propositional content form distinct special resource situation types, associated with specific speech act verbs. Additionally, there exists a class of verbs known as "declarations," which are speech acts where the speaker, as a representative of an institution, brings about an institutional fact without necessarily expressing personal attitudes.

Declaratives differ from other speech act verbs in that they do not lexicalize speaker attitudes beyond the intention to establish a particular institutional fact. Examples of declaratives include verbs like "absolve," "baptize," and "nominate." Similar taxonomies of speech act verbs have been proposed by scholars such as Austin, Vendler, Bach, and Harnish. These classifications, though differing in details, generally encompass categories like statements, invitationals, authoritatives, and expressives, each comprising various types of speech acts based on the speaker's intentions and attitudes.

Speech acts are actions performed through speech, and the meanings of speech act verbs often align with properties of these actions. The components of speech acts and speech act verbs share significant similarities, as observed through their overlapping elements. These elements are crucial in determining the conditions under which a speech act is both successful and non-defective. However, not all speech act verbs can be fully described solely based on special resource situation types.

Verbs like "boast," "flatter," and "lie" pose challenges as their meanings encompass evaluations by both the speaker within the resource situation and the speaker describing the act performed by the resource situation speaker, termed the discourse situation. For example, "boast" not only reflects the speaker's positive evaluation of

their own actions but also indicates a negative evaluation by the discourse situation speaker of the resource situation speaker's exaggerated representation. Similarly, "flatter" and "lie" involve a combination of attitudes from both the resource and discourse situations.

This complexity highlights the limitations of a one-to-one correspondence between speech acts and speech act verbs. Despite Austin's assertion that speech act verbs provide a guide to speech acts, differences in their meanings do not always align with differences in illocutionary acts. The absence of a perfect correlation underscores the intricacies of linguistic expression and interpretation.

Performativity adds another layer to the study of speech act verbs, where certain verbs not only denote but also perform a particular speech act. Austin proposed a test to determine performativity by substituting the verb into the formula "I (hereby) x...". Verbs like "order," "promise," and "assert" fall into this category, often being part of institutionalized procedures for bringing about specific institutional facts. However, not all speech act verbs can be used performatively, as some actions require more than mere utterance to be performed effectively. For instance, while "promise" can be used performatively ("I promise to help you"), "convince" cannot be ("I convince you that..."), as it necessitates additional actions beyond speech alone.

Bibliography:

1. Andrew Lakoff, University of Southern California: Preparing for the Next Emergency. April 2007, *Public Culture* 19(2):247-271; DOI:10.1215/08992363-2006-035
2. Robin Tolmach Lakoff (2004). *Language and woman's place*. Text and commentaries. Edited by Mary Bucholtz. Oxford: Oxford University Press. Pp. xiv + 309. ISBN 0-19-5167570.
3. Lakoff, R. (1975). *Language and woman's place*. New York: Harper & Row.
4. Geckeler, H. (1984). Sobre la más moderna y reciente semántica: Análisis del contenido en rasgos distintivos. In H. Geckeler, *Semántica estructural y teoría del campo léxico* (pp. 246-281). Madrid: Editorial Gredos.
5. Pottier, B. (1963). *Recherches sur l'analyse sémantique en linguistique et en traduction mécanique*. Nancy: Université de Nancy.
6. Pottier, B. (1967). *Présentation de la linguistique: fondements d'une théorie..* Paris: Editions Klincksieck. 61

7. Saeed, J. (2009). Chapter 1: Semantics in linguistics. In *Semantics* (pp. 3-21). Oxford: Wiley & Blackwell
8. Saeed, J. (2009). Chapter 3: Word meaning. In *Semantics* (pp. 53-79). Oxford: Wiley & Blackwell.
9. Ziyoyeva, D. A. (2023). SEMANTICS OF THE SPEECH VERBS SPEAK, TALK IN THE ENGLISH LANGUAGE. *Innovative Development in Educational Activities*, 2(6), 217-225.
10. Anvarovna, D. Z. (2023). PARADIGMATIC ANALYSIS OF SPEECH VERBS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. *Journal of new century innovations*, 38(2), 49-52

KOGNITIV TERMINOLOGIYA TADQIQOTINING ASOSIY ELEMENTLARI

Xolova Madina Boboqulovna
Buxoro davlat tibbiyot instituti
Xorijiy tillar fakulteti
Ingliz tili kafedrası o'qituvchisi
e-mail: madinaxolova1987@gmail.com

Annotatsiya. Terminologiya falsafa, mantiq, nazariy va amaliy tilshunoslik, axborot fani, hisoblash tilshunosligi, sotsiologiya va pragmatikani o'z ichiga olgan turli fanlardan ajralib chiqqan juda ko'p hissalarining markazida bo'lib, o'z tadqiqot ob'ektini turli yo'llar bilan shakllantirdi. Ushbu fanlarning har biri atama va uning semantikasi haqidagi keng tarqalgan g'oyalarni aks ettiruvchi terminologiya tadqiqotlari ko'lamini kengaytirdi va chuqurlashtirdi. Ular nazariy asoslarni, tadqiqot maqsadini, ekspluatatsiya qilingan tushunchalar va usullar to'plamini yaratdilar. Zamonaviy terminologiya tadqiqotning yanada murakkab sohasi sifatida bilish va muloqotni tushinishda oldingi yondashuvlar va yangi istiqbollarni natijalariga asoslanadi. Hozirgi vaqtda bu oldingi maqsadlarga mos kelmaydigan mega fanlararo yondashuv bo'lib, u kognitiv va funktsional nuqtai nazardan atama semantikasi va terminologik tizimlarni aniqroq ifodalashga harakat qiladi.

Kalit so'zlar: terminologiya, kognitiv lingvistika, kognitiv-kommunikativ terminologiya, nominativ birliklar

Tilshunoslik va terminologik tadqiqotlarning so'nggi natijasi "insonning tilga ta'sir qilish yo'lini aniqlash"dir. Bu XXI asr oxirida tilni kognitiv tadqiq qilishning eng asosiy tamoyillaridan biriga aylanib bormoqda. Bu tamoyil antropotsentrik tamoyil deb ataladi. Quvonarli tomoni shundaki, bu tamoyil insonning tafakkuri va nutqiy faoliyatini tushunishning asosi bo'lib, u aqliy qobiliyatlari "til va til bilan o'zaro ta'sir qiluvchi" shaxsning "til kognitiv tizimning bir qismi ekanligini ta'kidlaydigan" kognitiv tadqiqotlarning ta'siri bilan bog'liq (Dirven, Vespoor 1998: xi). Kognitiv tilshunoslik ijtimoiy, psixologik, pragmatik va inson o'zaro ta'sirining boshqa tomonlarini o'z ichiga olgan aqliy va kommunikativ faoliyatini hisobga oladi (Manerko 2016: 129). Ushbu istiqbol tildagi tizimli yo'naltirilgan tadqiqotlardan avtonom tizim sifatida til bilimlarini tavsiflashning kognitiv va funktsional nuqtai nazaridan aks ettirilgan paradigmatic siljish va atamashunoslik fanining bilish, kognitiv qayta ishlash va aloqa jarayonlari bilan bog'liq yangi shakliga aylanishni ko'rsatadi.

Kognitiv (kognitiv-kommunikativ) terminologiya kognitiv lingvistik tadqiqotning asosiy tarmoqlaridan biriga aylandi. U kognitiv asosga ega, ma'ruzachiga yo'naltirilgan, suhbatdoshlarning dunyoni tushunishi bilan bog'langan va tildan foydalanishda kontseptual va diskursiv mexanizmlarni funktsional ravishda bajaradigan tadqiqotni ifodalaydi. Terminologik tadqiqotlar insonning bilish va muloqot maqsadlarini amalga oshirishga yaqinlashmoqda. Kognitiv terminologiya bo'yicha tadqiqotning maqsadi turli xil oddiy tushunchalar spektri orqali ko'rsatilgan bilim tuzilmalarida inson tajribasining umumiy (odatiy) va maxsus xarakterini ifodalovchi tanish, yangi va ko'chirilgan kontseptual elementlar asosida terminologik birliklarning semantik xususiyatlarini ochib berishdir.

Kognitiv yoki kognitiv-kommunikativ terminologiya terminologiya rivojlanishining yangi bosqichi bo'lib, XX asrning 90-yillari oxirida rivojlana boshladi. U atamashunoslik intizomi rivojlanishining oldingi bosqichlaridan uzoqlashdi, garchi u yangi maqsadlar, asoslar, metodologiya va tadqiqot jarayonlari bilan ajralib turadi. Kognitiv va kommunikativ funktsiyalarni taqdim etishda aks ettirilgan. Terminologik tadqiqotlarning asosiy maqsadi tilning kognitiv funktsiyasini ta'riflash, natijada atama shakllanishiga olib keladi. Uning tavsifi darajasi va chuqurligi insonning faqat "mulohaza yuritish qobiliyatlari" va "tarqatilgan qurilmalar" sifatidagi "o'ziga xoslik sohalari" tushunchalarini qamrab oladigan g'oyalardan farq qiladi (Hirschfeld, Gelman 1994: 4, 22). Gap shundaki, kognitiv funktsiya kognitiv lingvistik nazariyadan oldin ko'rib chiqilganidan ko'ra kengroq hodisa sifatida tushuniladi.

Tadqiqotda til tizimi va uning tuzilmalari avtonom bir butunlik sifatida qaralmaydi, balki til xususiyatlari asosida ochilgan hissiy, jismoniy, ijtimoiy, tarixiy, madaniy xususiyatlar asosida tadqiq qilingan til vositalarini hisobga oladi. U muloqot maqsadlarida ishlatiladigan til vositalari yordamida bilimlar inson tomonidan qanday tuzilganligini tushunishga intiladi. Temmermann ta'kidlaganidek, kontseptsiyani kuzatish "... boy kognitiv modellarga kiritilgan" eksperimental epis-temologiya tomonidan tubdan qo'llab-quvvatlanadi (2000: 29). Atamani yaratish har doim ma'lum bir davrda intizomning rivojlanish bosqichiga bog'liq. Keling, shizofreniya atamasi yordamida klinik psixiatriya sohasidagi misolni ko'rib chiqaylik. Lug'atda shizofreniya so'zi yunoncha skhizein, "bo'linish" va "aql" yoki "yurak" degan ma'noni anglatuvchi phrēn (genitiv phrenos) ildizlaridan kelib chiqqanligi tushuntiriladi. Ushbu o'ziga xos atama 1910-yilda shveysariyalik psixiatr Eugen Bleuler (1857-1939) tomonidan "buzilgan uyushmalar, yetuk bo'lmagan xatti-harakatlar, isteriya, gallyutsinatsiyalar va haqiqatga mos kelmaydigan boshqa alomatlar bilan tavsiflangan shaxslarning ruhiy holatini

tavsiflash” uchun kiritilgan. Bu davrda ruhiy kasalliklarni sinchiklab kuzatish, diagnostika qilish, oldini olish va davolashga alohida e’tibor qaratilib, ixtisoslashtirilgan tibbiy yordam ko’rsatishda sezilarli yutuqlarga erishildi. Shizofreniya "g'ayritabiiy xatti-harakatlar va haqiqatni noto'g'ri talqin qilish bilan tavsiflangan ruhiy kasallik" deb ta'riflanadi, bu yerda "ruhiy buzilish" atamasi tibbiyot sohasidagi kasalliklarning o'ziga xos toifasini ifodalaydi. Ammo ilgari, 19-asrning 80-yillarida psixiatriya fanining dastlabki bosqichlarida lotin tilida "erta demensiya" deb tarjima qilingan dementia praecox atamasi ishlatilgan. Ushbu atamaning garchi lotincha ifodasi biroz noaniq bo'lsada, kasallikning asosiy xususiyatini va sindromning yoshga bog'liq jihatini ta'kidlaydi. Shu sababli, shizofreniya atamasi va uning kengroq konteksti inson tajribasining turli o'lchovlarini, jumladan, idrok etish, jismoniylik, ijtimoiy o'zaro ta'sir va boshqa jihatlarni o'z ichiga oladi.

Shaxslar tomonidan amalga oshiriladigan muloqot faoliyati sifatida tavsiflangan tildan foydalanishda turkumlash jarayoni insonning bilishi, shaxsiy tajribalari va muloqot konteksti bilan shakllanadigan amaliy va moslashuvchidir. U ma'lumotlardan ta'sirlanadi va og'zaki yoki yozma muloqotda ma'ruzachi yoki yozuvchining mo'ljallangan nuqtai nazarini etkazishi mumkin (Manerko, 2014). Koubriakova ta'kidlaganidek, nutq asosan bilim almashish va tinglovchilardan bilim kutishni o'z ichiga olgan kognitiv jarayon bo'lib, ma'lumotni qayta talqin qilishni yoki mavjud bilimlarni aniq maqsadlar uchun qo'llashni talab qiladi (2004: 516). Ixtisoslashgan nutqda nominativ birliklar muhim rol o'ynaydi, ko'pincha ixtisoslik sohasiga qarab 70 dan 95% gacha chastota bilan matn maydonida hukmronlik qiladi. Bu birliklar o'rtasidagi bog'lanishlar nafaqat ularning ma'lum tushunchalar doirasidagi turkumlanishini, balki boshqa munosabatlarni ham o'z ichiga oladi.

Muloqotda terminologik birliklar murojaat qiladigan bilim tuzilmalari, ayniqsa, ular haqiqatda turli tushunchalarni ifodalaganda, sobit yoki statik emas. Novodranova ilmiy bilimlarning rivojlanishi ma'lumotlarni qayta ishlash, uni aqliy leksika doirasida tashkil etish, xotirada saqlash va muhim ma'lumotlarni olish bilan bog'liq bo'lgan kognitiv jarayon ekanligini ta'kidlaydi. Shu bilan birga, u ilmiy matnlarni yaratishni o'z ichiga oladi, bu erda ilmiy kontekstda kommunikativ aktlarning o'zgarishi kuzatiladi. Ixtisoslashgan nutq kognitiv va kommunikativ rollarni bajarishga xizmat qiladi, bunda atama kasbiy bilishning og'zaki natijasiga aylanadi, ilmiy sohaning hozirgi holatini aks ettiruvchi turli xil bilim tuzilmalarini tasvirlaydi. U ixtisoslashgan faoliyat va kasbiy muloqotni boshqarish, inson niyatlari, kontekstual aloqadorlik va ixtisoslashgan o'zaro ta'sirlarning tabiati asosida boshqa belgilar bilan aloqa o'rnatish uchun muhim lingvistik-kognitiv vosita bo'lib xizmat

qiladi. Ixtisoslashgan vositachilik va muayyan bilim sohalarida maxsus maqsadlar uchun tilni (LSP) qurish atamaviy birliklarning ravon semantik chegaralarini ko'rsatadi, ba'zida bilim tuzilmalarining emotsional va baholash tomonlarini o'z ichiga olgan, umumiy va maxsus insoniy tajribalarni ifodalovchi kognitiv jarayonlar ta'sir qiladi. . Ixtisoslashgan muloqotda ma'lum bir vaqtda etkazilgan ma'no ushbu terminologik birliklarning ma'nosini belgilaydi. Engbergning muhim kuzatishi shuni ta'kidlaydiki, bilim o'zining asosiy mohiyatiga ko'ra dinamik va rivojlanayotgan ob'ektdir, ayniqsa domenga xos nutqni tahlil qilishda. Shaxslarning kognitiv tizimlari doirasida bilimlarni o'rganishda uni o'ziga xos dinamik deb e'tirof etish kerak (2007: 35).

Bilim tuzilmalarini o'z ichiga olgan semantika atamalarini tushunish va ularning talqini kognitiv terminologiyada fundamental yutuqdir. Ushbu rivojlanish yangi uslubiy tanlovlar va ixtisoslashgan muloqotni o'rganish maqsadlarida o'zgarishlarga olib keldi. Muayyan ixtisoslashtirilgan amaliyotlarda bilish natijasi ma'lum va vaqti-vaqti bilan odatiy (kundalik) bilim doiralariga tayanish yo'li bilan bir muddatda amalga oshiriladi, ularning kognitiv xususiyatlari terminologik birliklar va nutq orqali tuzilgan ma'lum bir terminologik tizim doirasida ajratilgan kognitiv jarayonlar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik orqali aniqlanadi.

Yuqorida aytib o'tilganidek, har xil turdagi nominativ birliklar maxsus nutqda muhim rol o'ynaydi. Ular o'ziga xos kognitiv-diskursiv shakllanishlar bo'lib, ularning kognitiv tabiati muloqot qilish uchun juda qimmatlidir. Ular insonning fazoviy, ijtimoiy va hissiy tajribasi, til bilimlari va uni tashkil etish usullari orqali o'zaro bog'langan dunyo haqidagi turli xil ma'lumotlarni ifodalaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Volodina M.N. The cognitive-information nature of the term (on the material of the terminology of the mass media). Moscow: Moscow. Uni-t, 2000. Issue. 2. 128 s
2. Leitchik, V.M. & Shelov, S.D. (2003). Some basic concepts of terminology: traditions and innovations. In Terminology science and research: Journal of the International institute for terminology research (IITF). Termnet publisher, 14, p. 86-101.
3. Kholova Madina Boboqulovna. (2023). POLITENESS AND CULTURE. Academia Repository, 4(10), 4–9. Retrieved from <https://academiarepo.org/index.php/1/article/view/139>

4. Kholova, M. (2023). PRAGMATICS. В МЕЖДУРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ АКАДЕМИЧЕСКИХ НАУК (Т. 2, Выпуск 10, сс. 68–74). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10054322>
5. Ruziyeva Nilufar Xafizovna, & Xolova Madina Boboqulovna. (2022). Politeness In Literary Works: An Overview. Eurasian Research Bulletin, 7, 200–206. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/1300>
6. Ruziyeva Nilufar Xafizovna, & Xolova Madina Boboqulovna. Research problems in linguoculturology. Spanish journal of Innovation and integrity Volume:12, November-2022.
7. Kholova Madina Boboqulovna. (2023). Cognitive Linguistics . *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769), 1(10), 357–363. Retrieved from <https://grnjournal.us/index.php/STEM/article/view/2018>
8. Kholova Madina Boboqulovna. (2023). COGNITION AND LANGUAGE. *Scholastic: Journal of Natural and Medical Education*, 2(12), 64–71. Retrieved from <https://univerpubl.com/index.php/scholastic/article/view/3014>
9. Kholova Madina Boboqulovna. (2024). CULTURAL CODES IN INTERCULTURAL COMMUNICATION | INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022 <https://interonconf.org/index.php/rus/article/view/11187>
10. Boboqulovna, K. M. (2024). Cultural Codes in Uzbek Literature. *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769), 2(3), 495–500. Retrieved from <https://grnjournal.us/index.php/STEM/article/view/3868>

Wheat as a crop in the national economy importance

Barotova Anisa Razzokovna

*Tashkent State Agrarian University, Specialty
"Selection and Seed Breeding", Independent Researcher*

Sobirova Gulsanam Xursandjon qizi

Tashkent State Agrarian University student

Abstract The theoretical significance of the research is the development of scientifically based recommendations on the prospects of using soft wheat varieties and samples with valuable traits for the economy in selection processes

Key words: Wheat, cultivated, economic, selection, bread, methods, products, high temperatures.

Wheat is the world's major cereal crop, and the demand for high-quality spring wheat baking grain is currently not being fully met. One of the reasons for this is the low quality of the cultivated grain. In the region, the share of bread wheat grain (product class III and higher) is about 30% of the harvested grain of soft wheat. In addition, the cultivation of high-quality wheat grain is a necessary condition for strengthening the economic position and competitiveness of the economy All over the world, selection directions for improving the quality of agricultural products are spreading widely. The leading role in improving grain quality is assigned to the variety. It is possible to grow high-quality wheat grain only with constant control of grain quality at all stages of selection, testing, zoning and cultivation. Therefore, it is urgent to study new varieties of wheat characterized by high productivity, quality, resistance to adverse environmental factors, which allows to reduce the shortage of raw materials for bread production. More than half of the 9 world's population uses wheat bread for food. Wheat bread is superior in taste and value to bread made from the flour of other cereals. 100g of wheat bread contains 245-255 kcal, 100g of pasta and wheat semolina contains 355-358 kcal. Wheat grain contains from 11% to 20% protein, 63-74% starch, up to 2% oil and the same amount of fiber and ash. The quality of wheat grain varies depending on the protein content, its variety, and the climatic conditions of the region where wheat is grown. In addition to bread, wheat is used to make pasta, confectionery and other products. Alcohol, starch, glue and various other technical products are obtained from grain. Waste from

Лекин инсон руҳи бу дунёнинг ўткинчи хою-ҳавасларига берилиб, ҳайвоний истакларнинг қули бўлиб қолса, ундай руҳ ифлосланиб, лойқаланиб, ҳақиқатни равшан акс эттиролмай қолади. "Агарчи,- дейди Ғаззолий,- Ҳақ таоло одам вужудини паст ва безътибор қилибдур (аслида инсон вужуди, ҳам физиологик фаолиятлари жиҳатидан мукаммал қилиб яратилган, лекин мутафаккир вужуднинг тез қариши, касалланиш жиҳатдан ожизлигини кўзда туттади, аммо руҳ шаҳбози (лочини) ҳазрати парвардигор даргоҳидан келгандир. Агарчи руҳ гавҳари бу тийра тупроқни (яъни, тупроқдан бўлган баданни) макон қилмоқ бирла чаҳорпой, дарранда ва шайтон сифатлари бирла

⁶ Бируни А.Р. Собрание сведений для познания драгоценностей: Минералогия. – Москва: Издательство Академии Наук 1963

олойиш топиб (аралашиб ва ифлосланиб) вобаста бўлибдур, вақтики риёзат-машаққатлар бўтасига тушиб, бу олойиш ғаш -қудуратидин пок бўлса, хазрати Ҳақ таоло раҳмати ва ҳамсоғалигига шойишта бўлғувсидирки, асфаласофилиндан то аълои уллийингача ҳамма баландлар (юксакликлар) унинг сайргоҳидир” .

Алломаларфикрича Ақл инсонга жуда катта куч-қудрат беради. Жуда кўп, турли соҳалардаги илмлар ҳақида билимларни ҳосил қилиш ана шу куч-қудрат сабабдир. Форобий эслатганидек, ақлдан, билимлардан яхши ишларда ҳамфойдаланиш мумкин. Ақлни фақат яхши ишларга сарфловчи одамни ақлли, оқил, дейиш мумкин. Ибн Синога ҳам маънавий устоз бўлган Форобий (Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Арастунинг "Метафизика" асарини ўттиз марта ўқиб тушунмаганини, Форобийнинг шарҳини ўқигандан сўнг яхши тушунганлигини эслайлик) кимни ақлли, оқил дейиш мумкин?- деган саволга бундай жавоб беради:

"Ақлли деб шундай кишига айтамикки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати (фозиллиги) ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортиш (тийиш)га қаратган бўлмоғи лозим..."

Лекин, афсуски, баъзи одамлар ўз ақли, қобилиятларини алдов, хийла, найранг, ёмонлик учун, яхшиларга зарар келтириш ва ёвузларга қирғин қуролларини ясаб бериш учун сарфлайдилар. "Ёмон ишларни ўйлаб топишда зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайдик,- дейди Форобий,уларни “айёр, “алдоқчи” деган номлар билан атамоқ лозим”. Бинобарин, Ақл олам сирларини, табиат қонуниятларини, жамият тараққиёти ва инсон камолоти учун зарур бўлган илм-фанларга доир билимларни ўрганишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳимов С. Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – 77 б.
2. И.Мўминов.–Тошкент:Ўзбексоветэнциклопедияси, 1971. – 58-59-б.
3. Беруний А.Р. Танланган асарлар. Т.1. – Тошкент: Фан, 1965.
4. Бируни.Собрание сведений для познания драгоценностей:Минералогия. –Москва:Из- дательство Академии Наук 1963
5. Ishanova, M. (2023). ISSUES OF HARMONIZATION OF NATIONAL AND PUBLIC VALUES IN THE PROCESS OF STUDENT EDUCATION. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 267–270). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10147982>

6. Mamadaliev, M. (2023). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE AS A FACTOR LEADING MAN TO TRUTH AND GOODNESS. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 156–159). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10113191>
7. Umarovich M. M. THE IMPORTANCE OF COOPERATION BETWEEN EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND FAMILIES ON THE BASIS OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF OUR ANCESTORS IN THE FORMATION OF YOUTH SPIRITUALITY //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 4. – С. 157-163.
8. Mamadaliev Muzaffar Umarovich. (2022). IN FORMING THE SPIRIT OF YOUTH PHILOSOPHICAL WORLDWIDE AND THE SCIENTIFIC SIGNIFICANCE OF OUR NATIONAL SPIRITUAL HERITAGE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(4), 338–342. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/SKJ6E>
9. Mamadaliev, M. (2023). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE AS A FACTOR LEADING MAN TO TRUTH AND GOODNESS. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 156–159). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10113191>
10. Artikov, T. A., & Mamadaliyev, M. U. (2023). ABU RAYKHAN BERUNI'S VIEWS ON EDUCATION. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 481–484). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10220673>
11. Umarovich, Mamadaliev. (2020). PHILOSOPHICAL KNOWLEDGE IS THE METHODOLOGICAL REGULATOR FOR THE DEVELOPMENT OF ALL DISCIPLINES. *EPRA International Journal of Research & Development (IJRD)*. 197-198. 10.36713/epra4105. The article depicts the nature of philosophic knowledge, their difference from the knowledge received from other subjects and its role in the process of formation of spiritually developed person. KEY WORDS: Philosophical knowledge, natural knowledge, mysteries of the world, living education, intellectual eagerness, thinking absolutely, logical thinking, daily (ordinary) education (knowledge).
12. M.U.Mamadaliyev. (2024). Сотрудничество образовательных учреждений и семьи в формировании духовности молодежи. *Международный журнал формального образования*, 3(2), 28-33. Извлечено из <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2054>
13. Tokhtasunova, G. A. (2023). CHILDHOOD AS A SOCIAL PHENOMENON. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE

AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 485–488). Zenodo.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10220726>

14. Tokhtasunova, G. A. (2023). CHILDHOOD AS A SOCIO-PHILSOPHICAL PROBLEM. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 11, сс. 271–277). Zenodo.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10148006>

15. Tokhtasunova, G. (2023). SOCIALIZATION OF CHILDREN IN MODERN SOCIETY. B INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (Т. 3, Выпуск 12, сс. 81–84). Zenodo.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10351537>

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ПСИХО-ЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Г.А.Тохтасунова

*Анджон давлат чет тиллари институти “Ижтимоий гуманитар фанлар,
педагогика ва психология кафедраси” ўқитувчиси*

Г.Абдурахимова

Роман герман ва словян тиллари факултети 304-гуруҳ талабаси

Изоҳ: Ушбу илмиймақоламактабёшидагиболаларнинг психо-эмоционалхусусиятлариниўрганади.

Ҳаётнинггушбубосқичидаболаларнингпсихологикваҳиссийривожланишининг хусусиятларинианиқлашчункенгқамровлиадабийишларолибборилди.

Мақоладаболаларнинг психо-эмоционалҳолатининганиқмисоллариватавсифларикелтирилган, шунингдекуларнингтаълимжараёниучунаҳамиятитаҳлилқилинади.

Хулосамактабёшидагиболаларбиланишлашбўйичаамалийтавсияларвастратегияларнишлабчиқишчунфойдалибўлганнатижаларниумумлаштирадиватадқиқотнатижалариниумумлаштиради.

Кириш: Мактабёшиданбошлаб, болалар психо-эмоционалсоҳадагиўзгаришларбиланбоғлиқбўлганривожланишнингмуҳимбосқичинибошданкечирадилар. Айнан шу

даврдаболанингўқувчисифатидагитараққиётивамуваффақиятини, шунингдек, унингпсихологикфаровонлигинибелгилайдиганкўплабфазилатларвакўникмаларшаклланадивамаустаҳкамланади. Ушбу

мақоланингмақсадимактабёшидагиболаларнингасосий психо-эмоционалхусусиятлариниўрганишвауларнингтаълимжараёнидагиролинианиқлашдир.

Мактабёшидагиболаларнинг психо-эмоционалхусусиятлари:

Мактабёшидагиболаларўзларининг психо-эмоционалҳолатигаъсирқиладиганмуҳимтажрибаларвамуаммоливазиятларданўтадилар.

Буёшдагиболаларнингпсихологикривожланишинингэнгсезиларлижиҳатлариданбирибуўз-ўзинихурматқилишдир.

Мактабютуқлариватенгдошларибиланижтимоиймуносабатларболаларнингўзиниўзикадрлашинишакллантиришдамуҳим рол ўйнайди. Психо-эмоционалривожланишдаижтимоийжиҳатнингаҳамиятиўрганилаётганёшнинг

гушбубосқичидаянадамуҳимроқбўлади,

чункимактабфаолижтимоийўзаротаъсиржойидир.

Мактабёшидагиболаларнинг психо-эмоционалҳолатинингмуҳимхусусиятлариданбириуларнингҳиссийжиҳатдант

артибгасолишқобилиятидир.

Талабаларулардакучлихиссийреакцияларникелтирибчиқарадигантурливазиятларгадучорбўладиларвауларгамослашишниўрганишуларнингпсихологикфаровонлигинингкалиитидир.

Эмоционалтартибгасолишқўникмаларигаэгабўлганболаларкўпинчаўзигабўлганишончвакийинчиликларниенгишқобилиятининамоёнэтадилар [1], аммо психо-

эмоционалривожланишидабузилишларибўлганболалардакўпроқхиссийбеқарорликпайдобўлишимумкин,

бууларнингўрганишваижтимоийжихатданқийинлашишигаолибкелади[2].

Мактабёшидагиболаларнинг психо-эмоционалривожланишидауларнинг индивидуал хусусиятлариватемпераментихамалохида рол ўйнайди.

Баъзиболаларкўпроқташвишёкитушкунликкатушишимумкин,

бошқалариэсақўпроқхиссийбарқарорликниамойишэтадиларвастрессливазиятларнияхшироқенгишади. Тадқиқотларшуниқўрсатадики, ушбу индивидуал фарқларнитушунишватаълимжараёниниушбуфарқларгамослаштиришболаларнинг психо-эмоционалфаровонлигиниоптималлаштиришгаёрдамберади.

Бунданташқари, уларнингжтимоийлашувимақтабўкувчиларининг психо-эмоционалҳолатигасезиларлитаъсиркўрсатади.

Буёшдагиболаларўзтенгдошларибиланфаолмуносабатдабўлишади,

гурухдинамикасигамослашишни,

муносабатларниўрнатишниважамоадаўзўрнинитопишниўрганадилар.

Оммабоплик,

синфдошларбилантўқнашувларёкиижтимоиймослашишбиланбоғлиқмуаммоларболалардахиссийноқулайликва паст

ўзиниўзиқадрлашманбаларигаайланишимумкин.

Мактабёшидагиболаларнинг психо-эмоционалривожланишинингянабирмуҳимхусусияти улар дучкеладиган стресс даражасидир. Ўқувюки,

ўқитувчиларнингталабларивабошқаларданкутишболалардастрессникелтириб чиқаришимумкин,

бууларнингпсихологикҳолатигаваўқувмуваффақиятигасалбийтаъсирқилади

[1]. Болаларгастрессниенгишдаёрдамберишучун улар

ўзлариниқулайҳисқилишларивакераклиёрдамниолишларимумкинбўлганқўллаб-қувватловчивахавфсизўқувмуҳитинияратишмуҳимдир.

Шу биланбирга, мактабёшидагиболаларнинг психо-эмоционалривожланиши индивидуал

эканлигинивауларнингшахсийхусусиятларигақарабўзгаришимумкинлигинихамҳисобгаолишкерак. Баъзиболалархиссийжихатдансезгирватурли хил

хиссийтаъсирларгасезгирбўлишимумкин, бошқалариэсаўзларинингҳистуйғуларининазоратқилаолишларимумкин [2].

Шунингдек, ота-оналарнинг ёрдамининг мактабдаги болаларнинг психо-эмоционал ҳолатига таъсирига эътибор қаратиш лозим. Ота-

оналар ҳиссий қўллаб-

қувватлашнинг қимматли манбалари бўлишлари ва болаларга ёрдам беришларим умкин. Ота-оналар билан мунтазам мулоқот қилиш ва иштартибни белгилаш, уй вази фасини бажариш ва муаммоларни оддий муҳокама қилишда ёрдам бериш боланинг психо-эмоционал ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса:

Тадқиқот натижасида мактаб ёшидаги болаларнинг муҳим психо-эмоционал хусусиятлари аниқланди.

Бу хусусиятлар болаларнинг таълим ютуқлари ва психологик фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатиши исботланган.

Муаммоли вазиятлар нитаҳли қилиш ва амалий тадқиқотлар ушбу омиллар қандай ишлашини ва улар

болаларнинг ҳиссий ва психологик фаровонлигига қандай таъсир қилишини яхши роқ тушунишга имкон бери. Ушбу

ишнинг амалий натижалари мактабда болалар билан ишлаш, психо-эмоционал жиҳатларга эътибор қаратиш,

уларнинг муваффақияти ва фаровонлигини ошириш стратегиялари ва усуллари ни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Смит, Ж. ва Жонсон, А. (2010).

Мактаб ёшидаги ривожланиш психологияси. Москва: Педагогика нашриёти.

2. Браун, Р. (2007). Болаларнинг психо-эмоционал ривожланиши. Москва: "Психология" нашриёти.

3. Тейлор, Е., Жонсон, К. (2015).

Мактабда болаларнинг ҳиссий ривожланишини тушуниш ва қўллаб-қувватлаш.

Лондон: Роутледге.

4. Мактаб ёши:

психологик ва эмоционал ривожланиш хусусиятлари www.scholarlyarticles.org/development/psychological-emotional/school-age.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

М. У. Мамадалиев

*“University of economics and pedagogy” НОТМ “Иқтисодий ва ижтимоий
фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

Мақолада маънавий-маърифий мерос, қадриятлар, илм фан тараққиёти, ёшлар маънавиятини шаклланиши, маънавий баркамолликни шакллантирувчи омиллар, фалсафий дунёқарашга асос бўлувчи қадриятлар ва танқидий фикрлаш ҳақидаги фикрлар айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: маънавият, маърифат, маданият, илм, фалсафа, қадрият, дунёқараш, тасаввуф, тарбия, мафкура, инсонпарварлик, мерос

В статье рассматриваются духовно-просветительское наследие, ценности, развитие науки, формирование духовности молодежи, факторы, формирующие духовное совершенство, ценности, лежащие в основе философского мировоззрения и критического мышления.

Ключевые слова: духовность, просвещение, культура, наука, философия, ценности, мировоззрение, мистика, воспитание, идеология, человечество, наследие

The article discusses the spiritual and enlightenment heritage, values, the development of science, the formation of youth spirituality, the factors that shape spiritual perfection, the values that underlie the philosophical worldview and critical thinking.

Key words: spirituality, enlightenment, culture, science, philosophy, values, worldview, mysticism, upbringing, ideology, humanity, heritage

Давлатимиз томонидан амалга оширилиб борилаётган ислохатларнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшлармаънавиятини шакллантириш ва уларнинг дунёқарашини, тафаккур оламини бойитишга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Зеро, мустақил, ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун дастлабки ўринда жамият аъзоларининг маънавий-интеллектуал дунёсини бойитиш, ривожлантириш, шакллантириб ва мустақамлаш муҳим аҳамият касб этарди. Мустақиллик туфайли бир қатор тарихий маънавий-маърифий меросимиз ва қадриятларимиз қайта тикланди, десак хато бўлмайди. Айниқса, келажак пойдевори бўлмиш ёшларга берилаётган эътибор ва имкониятлар, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ва таълим-тарбия бериш долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилаётгани ҳар биримизни қувонтиради. Зеро, ёшлар миллат келажagini белгилаб берувчи, тараққиёт сари илдам ҳаракат қилувчи, янгиликка ҳамиша ташна бўлган таянч кучлардир. Ёшлар маънавиятини шакллантириш уларни ҳар томонлама билимли, саводли, юксак ахлоқли ва

хулқли қилиб тарбиялаш, улғайтириш жамият ҳаётини яхшилашда ўз навбатида фақат ва фақат ижобий самара беради. Бунга эришишнинг бир қанча усул ва воситалари мавжуд бўлиб, бу эса дастлаб ёшлар маънавиятини юксалтиришни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, юксак маънавият-енгилмас куч сифатида эътироф этилар экан, бунда улкан маънавий меросимиз катта аҳамият касб этади.

Шу ўринда президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.”¹

Шу ўринда фалсафанинг алоҳида аҳамиятини кўрсатиб ўтиш диққатга сазовордир. Чунки инсоният тарихи шундан далолат берадики, фалсафа умуминсоний ва универсал фан эканлиги сабабли, кишилар фаолиятини тартиблаш ва тўғри тизимлаштиришда ижобий аҳамият касб этади. Ёшларда фалсафий билимларни шакллантириб бориш эса уларнинг турмуш ва тафаккур тарзини юксалтиради ва шу билан биргаликда жамиятда бўлаётган воқеа ва ходисаларга, жараёнларга ўзининг шахсий, яъни ижобий ёки салбий муносабатини билдира олиш кўникмасини шакллантиради. Шу боис ҳам Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг фалсафа ва таркибий қисмлари бўлган этика, эстетика, социология, политалогия, фалсафий антропология, психология, ижтимоий фалсафа, мантиқ ҳамда аксиология, яъни кадриятлар фалсафаси сингари фанларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. “Фалсафа фанларнинг отаси” деган ибора яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда фалсафа дунёқарашини ва унинг бошқа тармоқларининг роли ҳамда аҳамияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтар эканмиз, унинг қуйидаги жиҳатлари айтиб ўтиш аҳамиятга моликдир. Зотан фалсафий билим, алсафий дунёқараш билан озиқланган ёшларда юксак маънавият шаклланади ва уларда оламга, воқеа-ходисаларга, атрофини ўраб турган жамият аъзолари ва уларнинг фаолиятига бўлган онгли муносабат шаклланади, фалсафий билимларнинг тўпланиб бориши эса ҳар қандай муаммоли вазиятларда ҳам ўзини ўзи бошқара олиш қобилияти ривожлантиради. Фалсафа унинг таркибий қисмлари унинг тармоқлари ҳамда аждодларимиз асос солган миллий маънавий илмий меросимиз билан биргаликда ёшларда ахлоқий сифатлар, гўзаллик, нафосат, нафислик сингари тушунчалар, жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва унинг қонуниятларини тушунтиради ва униб-ўсиб келаётган баркамол ёшлар онгига универсал табиатга эга бўлган дунёқарашнинг ривож топишида бирламчи аҳамият касб этиб, умуминсоний кадриятлар шаклланишига ҳам сабаб бўлмоқда.

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 27-б.

Бу эса мустақил ўзбекистоннинг стратегик мақсади - бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат в афуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир инсон, аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватангамеҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараён халқимиз маънавий ва маърифий мероси, кадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимизнинг маънавий, фалсафий илмий меросини, шу жумладан миллий кадриятларни ҳам ҳартомонлама ўрганишни тақозо қилади.

Жаҳон халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида мамлакатимиз алоҳида ўрин тутди. Шу кунга қадар Ўзбекистон Шарқва Ғарб мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча йўналиш ва соҳалари, жумладан ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётида ўзининг сезиларли изини қолдириб келаётганини кўришимиз мумкин.

Зеро, жамиятнинг бир тараққиёт босқичидан ва муайян кадриятлар тизимидан иккинчи тараққиёт босқичи ва янги кадриятлар тизимига ўтиши, прогрессив ғояларнинг кишилар онги ва тафаккуридан жой олиши, ислохотларнинг позитив ўзгаришларга, цивилизация талабларига мос ижтимоий ҳодисаларга айланиши замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар етиштиришга боғлиқдир. Чунки, тафаккури ҳар қандай

«изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга, эл-юрт равнақига ва миллий маданиятни яратишга ва уни асрашга ўз ҳиссасини қўшишга қодирдир.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш жараёнлари ҳақида ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти И.Каримов ўз фикрлари ҳақида тўхталиб мустақиллигимизнинг маънавий-ахлоқий кадриятлари ҳақида тўхталиб, бу негизлар умуминсоний кадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш; Ватанпарварлик² эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Бу эса фалсафа ва маънавий-маърифий мерос ҳамда кадриятларни шакллантириш ва маънавий етук инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимиз бой маънавий, фалсафий меросини, шу жумладан кадриятларни ҳам ҳартомонлама ўрганиш, кенг халқоммасига

Миллий фалсафий меросимизнинг муҳим қисминитасаввуф таълимоти ва кадриятлари, шу жумладан айнан бизнинг Ватанимизда шаклланиб, эндиликда бутун дунёга тарқалган, дунё илм фани ва маданияти,

² Каримов.И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: Ўзбекистон, 1996. I-Ж.-Б. 76.

умуминсоний кадриятлари тараққиётига катта ҳисса қўшган, уч буюк тасаввуфий тариқатлар: яссавия, кубровия ва нақшбандия тариқатлари ташкил этади. Мамлакатимиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан ва ёшлар маънавиятини шакллантироиш йўлидан борар экан, умуминсоний кадриятларга содиқликда умуминсоний кадриятларни ўрганиш зарурдир. Негаки «...тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз»³ дир. Бу эса бизга Баҳоуддин Нақшбанд каби даҳо тасаввуф алломаларимиз ва бошқа тасаввуфий меросларимизни илмий ўрганиш вазифасини юклайди. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти бунёд этилаётган ҳозирги жараёнда, инсонни барча имкониятларини намоён қилишга, ўзлигини англашга шароит яратилган. Буборада фалсафий меросимиз ва маънавий-маърифий кадриятларимизни назарий асосларини илмий жиҳатдан махсус таҳлил қилиш ва ёшларнинг маънавий етуқлигини, ахлоқий баркамоллигини таъминлаш, унинг онгидагисалбий иллатларга барҳам бериш, маънавий ҳаётни чуқур, ҳартомонлама ислоҳ қилиш ва тадқиқ этиш зарур.

Шу боис устувор вазифаларни, яъни тараққиёт занжирининг асосий, етакчи халқаларини, аниқламоқ лозим. Иш шундай ташкил этилмоғи лозимки, бунда бир-бирига ўзаро таъсир этувчи ижтимоий ҳодисалардан қайси бири бошқасига фаол таъсир этиш кучига эга бўлган ҳолда, барибир, пировард натижада, унинг ҳосилавий, натижавий мақомга эга эканлиги аниқ ҳисобга олинган бўлсин. Зеро, ҳаётда, барча муносабатларда мутлақ бирламчи ёки мутлақ иккиламчидеган нарса ва ҳодисаларнинг ўзи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Нарса ва ҳодисалар, табиатда ёки жамиятда бўлсин, бир-бирларига таъсир этадилар, ўзаро ўрин алмашиб турадилар.

Албатта ёшлар маънавиятини шаклланишида уларда билимга бўлган кучли қизиқиш, фалсафий дунёқараш, илмий фикрлаш ҳамда танқидий тафаккур маданияти ҳам яхши шакллантиришни талаб қилади. Ёшлар характерида олдиндан шаклланган ўз шахсини кўз-кўз қилишга, мақтанишга мойиллик, кибр каби иллатлар фалсафани ўзлаштириш учун жуда зарур бўлган асл танқидий тафаккурнинг шаклланиши йўлида катта тўсиқ бўлади. Танқидий тафаккурни шаклланиши ахборотни пассив қабул қилишдан бошлаб, муайян муаммолар ечими мустақил келишга қадар турли босқичларни босиб ўтади. Танқидий тафаккур асл маънодаги файласуфларда, олимларда жуда кучли ривожланган бўлади. Демак, биз ўз ёш авлодни комил инмон сифатида тарбиялай олишимиз учун унда аввало бугунги кун замон талаблари ва миллий маънавий меросларимиз ҳақида аниқ ҳолда танқидий фикрлаш қобилиятини уйғотиш ва ривожланиш учун шарт-шароит яратишимиз керак. Бу эса ёшларда муқобил фикрлашга ва муқобил фикрларни ўрганишига ёрдам бериб маълумотларни аниқ ва мустаҳкам тушунилишига хизмат қилади.

³ Каримов.И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.: Ўзбекистон, 1994. -Б. 140.

Фойданилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев.Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 27-б.
2. Каримов.И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: Ўзбекистон,1996.І-Ж.-Б. 76.
3. Каримов.И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.: Ўзбекистон,1994. -Б. 140.

DEVELOPMENT OF EDUCATIONAL SERVICES AND ITS PROSPECTS

Aliev Paraxhat Keunimjaevich

Researcher of Karakalpak State University

e-mail: paraxat.aliev@mail.ru

Phone: +998 97 507 24 08

Annotasiya. Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida ta'lim xizmatlarining rivojlanish zarurligi bayon qilinib unga ko'ra talim sohasini raqamlashtirish O'zbekiston kelajak avlodini shakllantirishda yangi davrni boshlab berishi alohida fikr va yondashuvlar asosida ifoda etilgan.

Kalit so'zlar: Ta'lim xizmatlari, o'quv dasturlari, big data, machine learning, texnologik innovatsiyalar, onlayn o'qitish, e-larning, learning analytics, artificial intelligence.

Abstract: In this article, the need for the development of educational services in the digital economy is described, and according to it, the digitization of the education sector will start a new era in the formation of the future generation of Uzbekistan based on different ideas and approaches.

Keywords: Educational services, educational programs, big data, machine learning, technological innovations, online education, e-learning, learning analytics, artificial intelligence.

Аннотация: В данной статье описывается необходимость развития образовательных услуг в условиях цифровой экономики, и согласно ей цифровизация сферы образования положит начало новой эре в формировании будущего поколения Узбекистана на основе разных идей и подходов.

Ключевые слова: Образовательные услуги, образовательные программы, большие данные, машинное обучение, технологические инновации, онлайнобразование, электронное обучение, учебная аналитика, искусственный интеллект.

The development of the digital economy today affects all areas of the economy. In this regard, the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. In the 46th goal of the "Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026" approved by Mirziyoyev, special attention was paid to the development of educational services. In particular, in the Republic, the task of "raising the level of coverage with higher education to 50% and "increasing the quality of education in the development of the service sector and the use of digital and innovative technologies in the reduction of poverty" [1] has been set. Also, "granting academic and financial independence to state higher education institutions, including establishing the practice of

independent determination of wages, the number of employees, the amount of payment contracts and the form of education by them" 31 is considered one of the important tasks. The field of education, as one of the areas defining the economy of the future, requires the introduction of the digital economy and the use of new digital technologies on this basis. In particular, the systematic introduction of the digital economy in the education sector of our republic creates the opportunity to provide quality education based on "artificial intelligence" based on the following processes, as well as automation of the field, quality organization of the education system using modern mathematical models and special methods, and the use of computer programs. In our republic, the introduction of the digital economy into the field of education serves as an important factor in solving several problems in higher, secondary, and secondary special education [2].

In our opinion, the potential of local higher education institutions is not sufficiently put into practice. The consequences of this are manifested not only in the low inflow of extra-budgetary funds to higher education institutions due to the implementation of research and development, but also directly in the decrease in the qualification level of professors. To provide scientific research developments or consulting services, professors and teachers are required to constantly improve their potential. This encourages professors and teachers to do more research in solving current scientific, technical, and other problems [3]. Based on the above, we believe that it is necessary to create educational, information-analytical centers in higher education institutions as shown in the table (Table 1).

Table 1

The main tasks of educational, information-analytical centers of higher educational institutions.

Type of activity Duties	Types of consulting services
Educational activity	<ul style="list-style-type: none"> - directing enterprises and attracting venture investors; - providing enterprises with expert assistance in contacting venture investors, including venture fairs; - consulting support to innovative enterprises in the region;
Education and training	<ul style="list-style-type: none"> - development of practical skills for interaction with potential investors, in this case, most importantly, development of skills of managers of enterprises to effectively present their business projects to successfully attract venture investments; - development of practical skills for interaction with potential investors, in this case, most importantly, development of skills of managers of enterprises to effectively present their business projects to successfully attract venture investments;
Information	<ul style="list-style-type: none"> - conducting various communication events (venture fairs in the regions, roundtables, thematic conferences, seminars, etc.) and providing consulting and information services to the main subjects of innovative activity;

Creating a high image of a higher education institution has a practical purpose, which is to attract more applicants, and establish relations with companies, public organizations, and various funds, as a result, to ensure an increase in the flow of financial resources to the higher education institution. It should be noted that in world practice, great attention is paid to increasing the efficiency of the educational system. In some cases, there is a tendency to increase the duration of education, which means reducing the duration of a person's productive activity. All this means

that higher education must adequately respond to these new challenges and effectively solve new problems. At the same time, attention should be paid to the creation and application of new methods and forms of education, as well as to the formation of innovative, creative thinking among students [4].

In conclusion, the high potential of higher educational institutions allows them to make a significant contribution to the innovative development of an important fund-creating field such as construction. A system should be created that ensures the transfer of knowledge and technologies from the environment of OTM to production to regularly use the knowledge obtained as a result of the scientific and intellectual activities of OTM for commercial purposes. Such a system can be focused on attracting private investments to encourage higher education institutions to create innovative inventions, increase the number of patents issued for these inventions, and support scientific and intellectual activities in the field of higher education.

List of used literature:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” Farmoni, PF-60-son
2. <https://en.wikipedia.org/wiki/Programme> for International Student Assessment
3. Frey, C. B., & Osborne, M. A. (2017). The future of employment: How susceptible are jobs to computerisation? Technological forecasting and social change, 114, 254-280. "Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари 82
4. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). The second machine age: Work, progress, and Prosperity in a time of brilliant technologies. WW Norton & Company.

OPPORTUNITIES FOR DEVELOPMENT AND IMPROVEMENT OF HIGHER EDUCATION SERVICES

Aliev Parakhat Keunimjaevich

Researcher of Karakalpak State University

e-mail: paraxat.aliev@mail.ru

Phone: +998 97 507 24 08

Annotasiya. Ushbu maqolada oliy ta'limda ta'lim xizmatlarini rivojlantirishda professor-o'qituvchilarning pedagogik faoliyatini takomillashtirish maqsadida talabalar o'rtasida o'tkazilgan onlayn so'rovnoma natijalari tahlil qilindi hamda tegishli takliflar berildi.

Kalit so'zlar: oliy ta'lim, ta'lim xizmatlari, pedagogik faoliyat, ta'lim sifati, dars jarayoni, zamonaviy bilim.

Abstract: This article analyzed the results of an online survey conducted among students to improve the pedagogical activity of professors and teachers in the development of educational services in higher education, and relevant suggestions were made.

Keywords: Higher education, educational services, professors and teachers, pedagogical activity, quality of education, teaching process, modern knowledge.

Аннотация: В данной статье проанализированы результаты онлайн-опроса, проведенного среди студентов с целью улучшения педагогической деятельности профессорско-преподавательского состава в развитии образовательных услуг в высшей школе, и внесены соответствующие предложения.

Ключевые слова: Высшее образование, образовательные услуги, профессорско-преподавательский состав, педагогическая деятельность, качество образования, учебный процесс, современные знания.

The future of our country and the development of the nation directly depends on the level of education. Due to this, great importance is attached to the development of education in our country. As our President noted, the greatest institution is an educational institution, and the greatest profession is the profession of a pedagogue. Taking this into account, on October 9, 2019, President Sh.M. Mirziyoev signed the Decree "On approval of the concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030"¹. This Concept consists of 4 chapters, which reflect the following: general rules, the current state of the higher education system in our republic and existing problems, strategic goals and priorities for the

development of the higher education system, and the expected results from the implementation of the Concept in the future. 1 National database of legal documents, 09.10.2019, No. 06/19/5847/3887. "Possibilities of using digital and innovative technologies in the development of the service sector and poverty reduction" Materials of the National Institute of Higher Education 260 The main task of higher education – consists of training highly qualified specialists with high spiritual, cultural, and moral qualities who can solve the issue of scientific-technical, socio-economic and cultural development of Uzbekistan at the level of developed countries.

Consulting services in the field of higher education are educational services that provide potential consumers with the necessary information resources that allow them to perform their tasks more effectively in a certain professional activity [1].

Consulting services in higher educational institutions can be classified as follows (Table 1).

Table 1

Classification of consulting services in higher education institutions.

Activities of higher education institutions	Types of consulting services
Educational activity	<ul style="list-style-type: none"> • consulting on educational subjects; • in-depth study of special subjects outside the curriculum; • improvement and retraining of personnel; • Training
Scientific activity	<ul style="list-style-type: none"> • participation in grant contests; • creating licensed services; <ul style="list-style-type: none"> • patenting; • conduct scientific research on the announced topic; <ul style="list-style-type: none"> • preparation of scientific reports; • preparation of scientific articles and monographs;
Expert activity	<ul style="list-style-type: none"> • preparation of expert opinions on various objects, and types of activities; • development of recommendations according to the requirements of organizations, and enterprises.

Consulting services in the field of higher education belong to the type of "B2B" ("business-to-business") services aimed at organizing work with partners. In addition, consulting services are very widely developed in the form of "B2G" services ("business-to-government"), because the state, as the largest investor, is an active consumer of educational consulting services and actively cooperates with higher education institutions [2].

It is necessary to create a system that ensures the transfer of knowledge and technologies from the environment of HEIs to production for regular use of the knowledge obtained as a result of scientific and intellectual activities of HEIs for commercial purposes. Such a system can be focused on attracting private investments to encourage higher education institutions to create innovative inventions, increase the number of patents issued for these inventions, and support scientific and intellectual activities in the field of higher education.

To achieve the above goals, it is possible to widely use directions such as increasing the share of consulting services in the total volume of educational services in higher education institutions, strengthening the brand of consulting departments of higher education institutions, and improving the quality of consulting services in the field of higher education.

In the implementation of measures aimed at the development of consulting services, the main attention should be focused on solving issues such as improving the efficiency of consulting services, identifying customers and markets, and encouraging the consulting activities of professors and teachers [3].

The analysis shows that in many institutions that provide educational services, the economic justification of management decisions is weak. In these institutions, the quality and content of the organization of the educational process are prioritized over the economic principles of management. Although these processes should be implemented equally, effective management is essential for modern HEIs[4].

- In summary, educational consulting services provide many opportunities to expand the scope of services such as:
- receiving high-quality consulting services that help solve practical problems of the enterprise based on the introduction of modern knowledge and management methods;
- integrating the results of scientific research into the management activities of enterprises to improve the quality and efficiency of management decisions;
- development of the infrastructure of consulting services in higher education institutions;
- enrichment of the practical experience of users of consulting services with information base and methodological knowledge.

List of used literature:

1. Василенко В.Н. Особенности консалтинговой деятельности в образовании./ В.Н. Василенко. // Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технология. - № 1 (3). – 2010
2. Зиннуров У.Г. Маркетинг в деятельности вузов: теория и методы решения. - Москва; Уфа: Изд-во УГАТУ, 1993. - С. 55.
3. Сорокина Н.Д. Образование в современном мире. / Н.Д. Сорокина - М.,2014
4. R.I.Nurimbetov “Oliy ta’lim sifati menejmenti” uquv-uslubiy majmua Toshkent., 2017

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ.

Мамадалиев Музаффар Умарович

*Андижон давлат чет тиллари институти. Ижтимоий гуманитар фанлари,
педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси. m.u.mamadaliyev@mail.ru
// +998902100402*

Аннотация Мақолада ёшлар маънавиятини шакллантириш масалалари, давлатимиз томонидан таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохатлар, ёшларнинг маънавий ахлоқий тарбияси, ёшлар онгига салбий таъсир этувчи ғоялар, мафкуравий иммунитет, ёшлар тарбиясида маҳалла, оила ва таълим муассасалари ҳамкорлиги, аждодларимиз урф-одатларидан фойдаланиш, ота-она маъсулияти ҳамда бой илмий меросимиз ва ундан ҳар фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

Хусусан, А.Р.Беруний, А.Н.Форобий, Маҳмуд Қашқарий, Кайковус, Садий, А.Темур, А.Жомийнинг, А.Навоий, Юсуф Хос Хожиб, А.Авлоний каби кўплаб олимларимиз фикрлари ва асарлари ёшлар маънавиятини шакллантиришда аҳамияти мақолада атрофлича таҳлил этилади.

Калит сўзлар: маънавият, маърифат, оила, маҳалла, тарбия, мерос, тарғибот, кадрят, меҳр.

Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак.

Ш.М.Мирзиёев

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайдиган – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси [2.62-б].

Ислохатларнинг муҳим йўналишларидан бири инсоният маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юртимизда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилади. Шу маънода ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятли гўзал ахлоқий сифатлари руҳида тарбия топтириш зарурати юзага келади. Юксак маънавият ва ахлоқ жамият тараққиёти давомида вужудга келиб, таркиб топиб такомиллашиб келадиган меъёр қоидаларидан иборат бўлиб у инсониятни жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солади. Бу эса инсонни жамиятга бўлган зарур ахлоққа эга бўлишликни талаб қилади. Шунга мувофиқ бирор бир шахсга юриш туришига қараб ахлоқли ёки ахлоқсиз деб баҳолашга имкон беради. Абдулла Авлонийнинг алоққа берган таърифи ҳам нақадар муҳим эканлигини билдиради. “Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан

қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқнинг яхшилигини, ёмон хулқни ёмонлигини далил ва исботлар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур” [3.11-б].

Давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тарбия ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларининг тақдири, юртимизнинг буюк келажагини барпо этиш фуқароларнинг, айниқса ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасига, юксак онгилиги, ижтимоий фаоллигига бевосита боғлиқ. Шу боис мамлакатимиз мустақилликининг дастлабки кунларидан бошлаб маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зеро, таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам давлат бош ислоҳотчидир.

Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, ижтимоий сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатишга, инсон ҳаётда ўз ўрнини топишини тезлаштиришга, жамиятга мустақил фикрловчи эркин шахсни шакиллантиришга, инсондаги мавжуд салоҳиятни тўла рўёбга чиқаришга, онгли, тафаккури озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган, кучли фуқаролик жамиятини барпо этадиган комил инсонларни тарбиялашга қаратилгандир.

Ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган турли таҳдидлар, маънавий хуружлар авж олган бугунги мураккаб шароитда хушёрлик ва эҳтиёткорлик зарурлигини барчамиз англадик ва ҳис этиб турибмиз. Чунки турли ниқоблар остида ёшлар қалбига чуқурроқ кириб уларнинг маънавиятини заҳарлашга ўринаётган кучлар ҳар биримизни ташвишга солмади. Жумладан биринчи президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида, “Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгосентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, ушнинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта ҳаф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли боло-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда” [2.117-б] деб таъкидлаб ўтади.

Шу боисдан ҳам ёшлар ўртасида маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш чораларини кўриш бугунги долзарб вазифадир. Жамият ҳаётида маънавий ахлоқий тарбиявий ишлар ҳамيشа муҳим аҳамият касб этиб келган ва шундай бўлиб қолади. Маърифатпарвар олим Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидур”- деб таъкидлаганлиги ҳар доим ўз тасидиғини топмоқда. Мамлакатимизда таълим-тарбия ишини давлат даражасидаги устувор вазифага айлантирилиши ҳам жамиятимизда ёшларни маънавий баркамол, кучли, билим ва юксак таффакурга эга бўлган кадрлар қилиб тарбиялашда қанчалик муҳим иш эканлигининг исботидир.

Ёш авлодни маънавий тарбиясида таълим муассасаларининг оила ва маҳалла ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш ва такомиллаштириш зарурлиги ойдинлашмоқда. Ҳар бир оила аъзолари оилада соғлом муҳитни яратиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ибратли бўлиши, фарзандларнинг ота-онага, ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, фарзандларга чуқур илм бериш, уларни маърифатли ва маънавиятли кишилар қилиб тарбиялаш, иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш, мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий тафаккурга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларга қўшимча таълим бериш, инсонда мавжуд бўлган истеъдодларини ривожлантириш учун зарур шароитларини яратиш каби масалаларга эътибор қаратиш зарур. Маҳалла фаоллари томонидан тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилиш, маънан носоғлом оилаларни маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ота-оналар орқали ёш авлодга меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб, байналмилаллик каби хислатларини сингдириш, аждодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб бориш, маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг имкониятларини ўқув-тарбия муассасалари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил қилиш, турли йўналишларда иқтидори бўлган ёшларни ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлаш, турли тўғарак ва клублар фаолиятини ташкил қилиш, маҳаллаларда олиб борилаётган барча

тарбиявий, маънавий, маърифий, маданий-оммавий ва спорт тардбирлардан ҳамкорликларни янада кучайтириш зарур.

Юқорида кўрсатилганидек, маҳалла ва оила азалий удумлар, урф-одатлар ва анъаналарга таянган ҳолда улкан маънавий тарбия вазифасини бажаради. Кексаларнинг панд-насихати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги орқали одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдирилиб борилади. Ёшларимизни маънавий етук бўлиб етишишида таълим муассасалари билан биргалқда оила ва маҳалла бирдай масъул. Бунинг учун биринчи навбатда ота-она, маҳалла ҳар жабҳада ёшларга ибрат, ўрнатки бўлиши лозим. Ёшларни маънавий тарбиялашда оила ва маҳалла ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатса, бу икки тарбия маскани тарбия ишида катта самарадорликка эришиши мумкин.

Бугунги кунда Республикамиз маҳаллаларида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш бўйича, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт! [1]

Маҳалланинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаларидан бири маҳалладаги оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясини ҳамкорлик асосида назорат қилиб боришдир. Ёшлар тарбиясида бирон бир ижобий самарага эришиш учун, аввало ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Таълим муассасалари билан ҳамкорлик ёшлар маънавий ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий, маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланиб талаба-ёшларни шахсини тарбиялаш, камол топтириш, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича йиғилишлар, устоз ва мураббийлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, маҳалла ёшлари иштирокида маҳалладаги маънавий тарбия борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш ёшларни маънавияти янада шакллантириши барчамизга аён.

